

## **Қиёматнинг кичик аломатлари**

﴿علامات الساعة الصغرى﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

**Абдулқайюм Абдулғаффорхон ўғли**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2010 - 1431

islamhouse.com

# ﴿علامات الساعة الصغرى﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد القيوم بن عبد الغفار خان

مراجعة: شمس الدين درغامي

2010 - 1431

islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## Қиёматнинг кичик аломатлари

### Биринчи аломат:

Сўнги пайғамбар жаноб Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбар этиб юборилишлари қиёматнинг кичик аломатларининг биридир.

Имом Бухорий ривоятида жаноб Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам: **"Мен қиёмат билан бирга мана бундоқ юборилганман"**, деб кўрсатгич ва ўрта бармоқлари билан ишора қилганлар.

Кўрсатгич ва ўрта бармоқ ўртасини ажратувчи бармоқ бўлмагани каби Муҳаммад алайҳис-салом билан қиёмат кунининг орасини ажратувчи бирон пайғамбар юборилмайди. Зотан у зот пайғамбарлар хотамидирлар.

Имом Қуртубий "Тазкира" китобида: қиёматнинг дастлабки кичик аломати: жаноб Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбар этиб юборилишидир. Зотан у зот охири замон пайғамбаридирлар. Шубҳасиз у зот сўнги пайғамбар этиб юборилганлар. Шунга кўра у зот билан қиёмат орасида ҳеч бир пайғамбар бўлмайди", -деганлар. (Тазикра 626).

Дарҳақиқат ҳазрат Муҳаммад алайҳис-салом шубҳасиз Аллоҳнинг сўнги пайғамбаридир: **«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳ(нинг) пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнгиғидир»**. (Аҳзоб 40).

### Иккинчи аломат:

Қиёматнинг кичик аломатларидан бештасини жаноб Росулulloҳ алайҳис-салом имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда хабар берганлар. Авф ибн Молик розиёллоҳу анҳу айтадилар: Табук жангида жаноб Росулulloҳ алайҳис-салом пўстакдан ясалган қуббанинг ичида ўтирганларида ҳузурига кирдим. **Менга эй Авф, "Қиёмат олдидан олти нарсани санаб ол: менинг ўлимим, ундан сўнг Байтул-Мақдиснинг фатҳ қилиниши, ундан сўнг қаттиқ қирилиш-ўлимдир. Бу ўлим худди қўйлар чалинадиган қўтир касалли сингари, сизлардан кўпчиликни қириб юборади. Ундан сўнг мол-давлат ақл бовар қилмас даражада кўпайишидир. Ҳатто у пайтда бировнинг қўлига юз динор тутсанг, (мени камбағал санади деб) ғазабланади. Бундан кейин бир фитна бўлади. Бу фитна истисносиз араб уйининг ҳар бирига киради. Бундан кейин сизлар (мусулмонлар) билан сариқ болалари (ғарбликлар) орасида сулҳ тузилади. Лекин улар ўртадаги сулҳни бузишади. (Сулҳни бузган сариқвойлар) саксон байроқ остида сизлар томонга юриш қиладилар. Ҳар бир байроқ остида ўн икки минг (аскар саф тортган) бўлади"**, -дедилар. (Бухорий 3176).

Саҳобаи киромлар ва уларга эзгуликда эргашган ҳақиқий мўминларга ҳазрат Муҳаммад алайҳис-салом жонлари, моллари ва бола-чақаларидан-да азиз ва суюқрироқдир. Ҳазрат Муҳаммад алайҳис-саломни кўзи билан кўриб, муборак кафтларини қўллари билан тутиб, кўзларига суртиб, суҳбатларини мириқиб тинглаган улуғларимиз – саҳобалик шарафига муяссар бўлган зотлардир. Ҳазрат Муҳаммад алайҳис-саломнинг саҳобалари пайғамбарлардан кейинги мартабада турадиган улуғ зотлардир. Улар бу шарафга чинакам иймон, Аллоҳга холислик ва пайғамбарга том итоаткорликлари ила эришдилар. Ҳар бир саҳобийга пайғамбаримиз алайҳис-салом моли, жони ва бола-чақасидан-да суюқрироқ эди. Шунинг учун аввалгилар ва охириларининг саййиди, Ҳақ таоло ҳабиби ҳазрат Муҳаммад алайҳис-салом вафот этган кун саҳобалар назарида дунёдаги энг оғир ва энг қора кун саналди. У кун саҳобаларга гўё катта қиёмат қойим бўлгандек туюлди. Росулulloҳ вафотларидан сўнг кенг дунё саҳобалар кўзига тор кўринди. Кимдир у зотнинг ўлимига ишонмади, кимдир у зотнинг башар эканлиги ва Парвардигориолам ҳузурига кўчганини билдирувчи ояти каримани тиловат қилди. Бутун оламларга раҳмат этиб юборилган саййиди Бани Одам Муҳаммад алайҳис-салом вафот этган кун – уммат бошига тушган энг қайғули ва энг қоронғу кун эди.

Роббоний таълимотни Росулulloҳ чашмасидан семирган улуғ саҳобалар бу ўткинчи дунёда ҳеч ким мангу қолмаслигини ва мангу ҳаёт охирадда давом этишини яхши англаган ва шунга чин иймон келтирган эдилар. Шунга қарамасдан Росулulloҳ фироғи жигарларини ўртаётган саҳобалар бот-бот ушбу ояти каримани тиловати ила ўзларини босардилар: **«(Эй Муҳаммад), Биз сиздан аввал ҳам бирон одамзодга абадий ҳаёт берган эмасмиз. Бас, агар сиз ўлсангиз, улар абадий қолурми?! (Йўқ, улар ҳам мангу қолмаслар). Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчидир. Биз сизларни ёмонлик билан ҳам, яхшилик билан ҳам "алдаб" имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтарилурсизлар»**. Анбиё 34-35).

Пайғамбаримизнинг вафотлари саҳобалар учун нақадар оғир кечгани ва улар нақадар қайғу ботганликлари ҳақида Анас розиёллоҳу анҳу шундай ҳикоя қиладилар:

Жаноб Росулulloҳ Мадинага қадам ранжида қилган кун у ердаги ҳамма нарса ёришган-нурафшон бўлган эди. У зот вафот қилган кун эса Мадинадаги жамики борлиқ қора тусга кирганди. Биз Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам дафни тупроғидан ҳали қўлларимизни қоқмасимиздан туриб, аҳволимизни ўзгарганидан ранжидик. (Термизий/маноқиб).

Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ Анас розиёллоҳу анҳу ҳикоясини бундай изоҳлаганлар: Саҳобаи киромлар Росулulloҳ ҳаётлик чоғларида у зотдан улфатликчилик, софдиллик ва мулойим муомилаларни кўрардилар. У зот вафот қилган кун ана шу нарсалар тамоман ўзгарган эди. Сабаби саҳобаларга етиб турган (олий хулқ борасидаги) таълим-тарбия у зот вафот этиши билан тўхтаган эди".

Имом Муслим ривоятида Анас розиёллоҳу анҳу: Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам вафотидан кейин Абу Бакр сиддиқ розиёллоҳу анҳу Умар розиёллоҳу анҳу: бизни Умму Айманни уйига бошланг.. бориб Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам зиёрат қилиб турган аёлни зиёрат қилайлик дедилар. Биз Умму Айманни ҳузурига борган

эдик, бизни кўриб кўз ёш қилди. Абу Бакр билан Умар унга: нега йиғлайсиз? Аллоҳ пайғамбари учун Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир, дедилар. Шунда у аёл: мен Аллоҳ ҳузуридаги нарса пайғамбари учун яхшироқ эканини билмаганимдан йиғламаябман, осмондан ваҳийни узилгани учун йиғлаябман, деди. Буни эшитган Абу Бакр билан Умар розиёллоҳу анҳумлар Умму Айманга қўшилиб йиғладилар.

#### **Учинчи аломат:**

Байтул-Мақдиснинг фатҳ қилиниши.

Байтул-Мақдис ўн олтинчи ҳижрий йили Исломнинг иккинчи халифаси Умар ибн Хаттоб халифалик даврида Абу Убайда ибн Жарроҳ розиёллоҳу анҳу томонидан фатҳ қилинди. Умар Ал-Форуқ Байтул-Мақдис калитини олиш учун шахсан ташриф буюрдилар. Байтул Мақдис аҳлига омонлик эълон қилдилар ва Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам меърож кечаси намоз ўқиган жойда туриб намоз ўқидилар.

#### **Тўртинчи аломат:**

Умматда тарқалган вабо сабабли кўпчилик мусулмонларнинг қирилиб кетишидир.

Юқорида зикри ўтган имом Бухорий ривоятида ушбу аломат ҳам қайд этилган. Ибн Ҳажар Асқалоний бу аломат халифа Умар ибн Хаттоб замонида содир бўлган "Аъмвос вабо"сидир. Аъмвос вабоси Байтул-Мақдис фатҳидан кейин содир бўлиб, ўшанда жуда кўпчилик мусулмонлар вабо сабабли дорул бақога риҳлат қилишган эди, деганлар. (Фатҳ 6/278).

Аъмвос шахри Рамладан олти мил узоқликда жойлашган Фаластин шаҳарларидан бири.

**Бешинчи аломат:** мол-давлат кўпайиб, мусулмонлар орасида садақа-эҳсонга муҳтожларнинг қолмаслиги.

Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳу ривоятида жаноб Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам: *"Сизларда мол-давлат кўпаймагунгача қиёмат қойим бўлмас. Ҳатто бойликларинг шу даражада кўпаядики, (ўша даврда) бой киши (садақа) закотимни ким олар экан, деб ташвиш қилади. Мол-давлат эгаси кўчада кўринган кишига закотини тутиб: илтимос манавини олинг, деб кўнгаланг қилади. (Йўловчилар эса): менинг бунга иҳтиёжим йўқ, деб жавоб берадиган замон бўлади"*,-деб хабар берганлар. (Бухорий 1412).

Абу Мусо Ал-Аъшъарий розиёллоҳу анҳу ривоятида Росулulloҳ алайҳис-салом: *"Ҳали киши тиллодан иборат закотини кўтариб (ким олади деб) одамларни гир айланадиган замон албатта келади"*-дедилар. (Бухорий ва Муслим ривояти).

Адий ибн Ҳотим розиёллоҳу анҳу айтади: мен жаноб Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурида эдим, бир киши келиб йўқсиллик (камбағаллик)дан шикоят қилди. Бошқа бириси эса йўл кесарлардан шикоят қилди. Шу пайт жаноб Росулulloҳ менга юзланиб: ***"Эй Адий, Ҳийра шаҳрини кўрганмисиз?- дедилар. Мен: Ҳийрани бориб кўрмаганманку-я, бироқ у ҳақда эшитганларим бор-деб жавоб бердим. Шунда у зот: "Агар Худо умр берса, ҳали Ҳийрадан чиққан мусофирнинг Каъбани тавоф қилиб кетишини ва у йўлда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарсадан кўрқмаслигини кўрасиз"- дедилар. Мен ичимда: ўша пайт шаҳару қишлоқларни додлатаётган Тойлик (қабил) қароқчилари қайда қолар экан-а?-деб ажабландим. Яна у зот шундай деб кўшимча қилдилар: "Худо умр берса, ҳали Кисро хазинасининг фатҳ этилишини ҳам кўрасиз".***

***Мен: Кисро ибн Ҳурмузни назарда тутаяпсизми?-дедим. Жаноб Росулulloҳ: ҳа-да... ўша Кисро ибн Ҳурмузни айтаяпман. Худо умр берса, кафтини тилло ва кумушга тўлдириб, ким олади шуни деб, (закот) олувчиларни ахтарганларни ҳам кўрасиз. Лекин у вақтда бирон киши (закот) олмас,-дедилар..."***

Адий айтади: Мен Ҳийра шаҳридан чиққан мусофирнинг йўлда Аллоҳдан ўзга бирон нарсадан кўрқмасдан Каъбани тавоф қилиб кетганлигини кўрдим. Кисро хазинасини фатҳ қилганларнинг бири ўзим эдим. Агар ҳаётда бўлсаларингиз Пайғамбар Абул-Қосим соллоллоҳу алайҳи ва саллам айтган кафтини тўлдириб тилло кумуш кўтарган кишини садақамни ким олади, деб исташини ҳам кўрасизлар",-деди. (Бухорий/маноқиб 3595).

Тарих китобларида саҳобалар даврида футуҳотлар сабабли мол-давлат кўпайиб, тўқчилик ва қаноат ўз ҳукмини сурганлиги қайд этилади. Хусусан одил халифалардан бири Умар ибн Абдулазиз даврида ҳам закот олувчи топилмай қолганлиги ривоят қилинади. Одил халифа Умар ибн Абдулазиз қарзни ўташга имконсиз қарздорларнинг қарзларини байтулмолдан уздирдилар. Уйланишга пули йўқ қўли калталарни байтулмол ҳисобидан уйлантирдилар. Ҳажга боришга пули йўқларни байтулмол ҳисобидан ҳажга жўнатардилар. Одил халифанинг бор йўғи икки йил давом этган ҳукуматида закот олувчи камбағал қолмагани тарих китобларида зарҳал ҳарфлар билан битилди.